Сана	Жами	Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар	Жисмоний шахслар
1	2	3	4
01.01.2023 й.	30 000 914	1 157 045	28 843 869
01.02.2023 й.	32 664 728	1 162 150	31 502 578
01.03.2023 й.	32 802 542	1 205 070	31 597 472
01.04.2023 й.	35 704 315	1 214 790	34 489 525
01.05.2023 й.	37 019 862	1 230 997	35 788 865
01.06.2023 й.	37 822 503	1 247 018	36 575 485
01.07.2023 й.	38 578 295	1 241 704	37 336 591
01.08.2023 й.	38 496 560	1 284 778	37 211 782
01.09.2023 й.	39 033 350	1 304 284	37 729 066
01.10.2023 й.	39 335 648	1 311 418	38 024 230
01.11.2023 й.	39 575 598	1 325 756	38 249 842
01.12.2023 й.	40 663 181	1 304 094	39 359 087
01.01.2024 й.	44 099 600	1 339 609	42 759 991
01.02.2024 й.	42 082 640	1 379 396	40 703 244
01.03.2024 й.	42 596 465	1 392 463	41 204 002
01.04.2024 й.	42 969 892	1 386 348	41 583 544
01.05.2024 й.	44 070 424	1 392 997	42 677 427
01.06.2024 й.	44 698 104	1 385 202	43 312 902
01.07.2024 й.	44 986 321	1 425 249	43 561 072
01.08.2024 й.	45 626 947	1 431 285	44 195 662
01.09.2024 й.	46 717 974	1 436 977	45 262 363
01.10.2024 й.	48 410 876	1 441 740	46 969 136
01.11.2024 й.	49 884 739	1 459 101	48 425 638
01.12.2024 й.	50 891 091	1 467 725	49 423 366

Тўлов тизимлари операторларининг реестри
(2024 йил 1 декабрь ҳолатига)

№	Оператор номи	Тўлов тизими номи	Лицензия берилган сана	Лицензия рақами	Юридик манзили	Веб-сайти
1	2	3	4	5	6	7
1	“Yagona Umumrespublika Protsessing Markazi” МЧЖ	UZCARD	11.04.2020 й.	1	100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 78-уй	www.uzcard.uz
2	“Milliy Banklararo Protsessing Markazi” МЧЖ	HUMO	11.04.2020 й.	2	100001, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 6-уй	www.humocard.uz

6.7-жадвал

Тўлов ташкилотларининг реестри
(2024 йил 1 декабрь ҳолатига)

№	Тўлов ташкилоти номи	Тўлов ташкилотининг товар белгиси	Лицензия берилган сана	Лицензия раками	Юридик манзили	Веб-сайти
1	2	3	4	5	6	7
1	“Click” МЧЖ	Click	28.03.2020 й.	1	100070, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Братислава кўчаси, 11-уй	www.click.uz
2	“BRIO GROUP” МЧЖ	OSON	28.03.2020 й.	2	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 179-уй	www.oston.uz
3	“INSPIRED” МЧЖ	Payme	04.04.2020 й.	3	100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Фидокор кўчаси, 10Б-уй	www.payme.uz
4	“National Innovative Payment Technologies” МЧЖ	ATMOS	04.04.2020 й.	4	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 6/1-уй	www.atmos.uz
5	“FREEDOM PAYMENTS” МЧЖ ҚҚ	Freedom Pay	23.04.2020 й.	5	100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 29-уй	www.freedompay.money
6	“Maroqand” МЧЖ	UPAY, Humans Pay	23.04.2020 й.	6	100164, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Навнихол кўчаси, 86-уй	www.upay.uz
7	“Alif Tech” МЧЖ ХК	alif.mobi	23.07.2020 й.	10	100070, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Ўқчи кўчаси, 3-уй	www.alifmobi.uz
8	“Plum technologies” МЧЖ	MyUzcard	10.10.2020 й.	13	100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Абдулла Кодирий кўчаси, 78-уй	www.plumtech.uz
9	“Global solutions” МЧЖ ХК	GlobalPay	10.10.2020 й.	14	100031, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Миробод-2, 39а-уй	www.globalsolutions.uz
10	“AVTOMATLASHTIRILGAN TRANSPORT TO'LOV TIZIMI OPERATORI” МЧЖ	ATTO	10.10.2020 й.	15	100070, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Глинка кўчаси, 25-уй	www.atto.uz
11	“Mayasoft” МЧЖ	MARTA	10.10.2020 й.	16	100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56-уй	www.marta.uz
12	“CHOYKHONA” МЧЖ	IWON	26.12.2020 й.	19	100070, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш. Руставели кўчаси, 32А	www.iwon.uz

№	Тўлов ташкилоти номи	Тўлов ташкилотининг товар белгиси	Лицензия берилган сана	Лицензия раками	Юридик манзили	Веб-сайти
1	2	3	4	5	6	7
13	“ZPLAT” МЧЖ	ZPLAT	26.12.2020 й.	20	100077, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 81/6-уй, 2-хонадон	www.zplat.uz
14	“CENTER FOR DIGITAL TECHNOLOGY AND INNOVATION” МЧЖ	A-pay	09.01.2021 й.	21	100090, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор 9-тор кўчаси, 1А-уй	www.a-pay.uz
15	“TEZPAY” МЧЖ	TEZPAY	27.03.2021 й.	22	140100, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Саттепо даҳаси, Туркистон кўчаси, 157-уй	www.tezpay.net
16	“PAYLOAD” МЧЖ ҚҚ		27.03.2021 й.	23	100001, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, М.Улуғбек кўчаси, 59-уй, 1-хонадон	
17	“MULTICARD PAYMENT” МЧЖ		12.05.2021 й.	26	100047, Тошкент шаҳри, Яшнообод тумани, Содик Азимов кўчаси, 50-уй	www.multicard.uz
18	“PAY-WAY” МЧЖ		22.05.2021 й.	27	170100, Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 2-уй	www.1pay.uz
19	“MULTIPAY” МЧЖ		21.10.2021 й.	31	100060, Тошкент шаҳри, Яшнообод тумани, Фарғона йули кўчаси, 23/3	
20	“Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси” АЖ		27.11.2021 й.	34	100090, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 77-уй	www.uzex.uz
21	“UZPAYNET” МЧЖ	Paynet	25.12.2021 й.	35	100021, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Фуркат кўчаси, 10-уй	www.paynet.uz
22	“SOLUTIONS LAB” МЧЖ	Uzum Nasiya	29.01.2022 й.	36	100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, МФЙ АСАКА, Мустақиллик 1, 1-уй	www.uzumnasiya.uz
23	“NATIONAL PAY” МЧЖ	Milliy pay	12.02.2022 й.	38	220803, Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Мадир, Илғор маҳалласи	www.milliypay.uz
24	“CS EXPRESS PAY” МЧЖ		12.02.2022 й.	39	100128, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Зулфияхоним кўчаси, 12-уй	www.payze.uz
25	“OCTAGRAM” МЧЖ	Paylov	10.03.2022 й.	40	100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Фидокор кўчаси, 7А	www.karmonpay.uz

№	Тўлов ташкилоти номи	Тўлов ташкилотининг товар белгиси	Лицензия берилган сана	Лицензия раками	Юридик манзили	Веб-сайти
1	2	3	4	5	6	7
26	“SOLIQ SERVIS” ДУК		09.06.2022 й.	42	100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 166-уй	
27	“LIMON PAY” МЧЖ	LimonPay	16.07.2022 й.	43	100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Е-Мавзе, 3-уй	
28	“YANGI PAYMENT” МЧЖ		16.07.2022 й.	44	100084, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А.Темур шох кўчаси, 99-уй	
29	“CLOUDPAYMENTS” МЧЖ		13.08.2022 й.	45	100121, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Боғибўстон кўчаси, 186-188-уй	www.cloudpayments.uz
30	“BEELAB” МЧЖ		08.09.2022 й.	46	100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 1-уй	www.beepul.beeline.uz
31	“MARKETPLACE TRADING” МЧЖ	Sello	19.11.2022 й.	47	100128, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Зулфияхоним кўчаси, 12-уй	www.sello.uz
32	“QUICK PAYMENTS SOLUTION” МЧЖ	QuickPay	24.12.2022 й.	48	100164, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Навнихол МФЙ, Тепамасжид, 4А-уй	www.quickpay.uz
33	“TAD INDUSTRIES” МЧЖ	YuzPay	24.12.2022 й.	49	100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Баҳор МФЙ, Буз-2 мавзеси, 4-уй	www.tadi.uz
34	“DEVHUB” МЧЖ		24.12.2022 й.	50	100093, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ахмад Дониш кўчаси, 28-уй	
35	“RAQAMLI BIZNES AGREGATOR” МЧЖ	dpay	26.01.2023 й.	51	100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 59-уй	www.dpay.uz
36	“CROSS PAY” МЧЖ		18.02.2023 й.	52	100021, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 25А-уй	
37	“PARAPAY” МЧЖ		04.04.2023 й.	53	100128, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шивли 1-тор кўчаси, 16-уй	
38	“SMART MARKETPLACE” МЧЖ		04.04.2023 й.	54	100084, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 107 Б-уй	
39	“FUTURE OPEN TECHNOLOGY GROUP” МЧЖ		04.04.2023 й.	55	100031, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 8а-уй	

№	Тўлов ташкилоти номи	Тўлов ташкилотининг товар белгиси	Лицензия берилган сана	Лицензия раками	Юридик манзили	Веб-сайти
1	2	3	4	5	6	7
40	“IT UNISOFT GROUP” МЧЖ		04.04.2023 й.	56	Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Қоратош кўчаси, 12-уй, 10-хонадон	
41	“EMIT-SOLUTION” МЧЖ		04.04.2023 й.	57	100011, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 159-уй	
42	“ALTAPAY” МЧЖ		20.05.2023 й.	59	100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 26-уй	
43	“O'ZBEKISTON POCHTASI” АЖ		08.06.2024 й.	61	100000, Тошкент шаҳри, Олой кўчаси, 1-уй	

Электрон пуллар тизимлари реестри
(2024 йил 1 декабрь ҳолатига)

№	Электрон пуллар тизими номи	Оператор номи	Эмитент номи	Электрон пуллар чиқариш бўйича фаолияти бошланган сана
1	2	3	4	5
1	OSON	“BRIO GROUP” МЧЖ	“Алоқабанк” АТБ	11.10.2022 й.
2	E-CARD	“INSPIRED” МЧЖ	“Универсал банк” АТБ	21.08.2020 й.
3	CLICK	“CLICK” МЧЖ	“Агробанк” АТБ	06.09.2024 й.
4	alif.mobi	“ALIF TECH” МЧЖ	“Алоқабанк” АТБ	02.11.2020 й.
5	A-pay	“CENTER FOR DIGITAL TECHNOLOGY AND INNOVATION” МЧЖ	“Uzum bank” АЖ	01.07.2022 й.
6	GlobalPay	“Global Solutions” МЧЖ	“Алоқабанк” АТБ	17.11.2021 й.
7	PayWay	“PayWay” МЧЖ	“Uzum bank” АЖ	29.07.2022 й.
8	Apelsin	“Uzum bank” АЖ	“Uzum bank” АЖ	29.07.2022 й.
9	ExMoney	“Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси” АЖ	“Трастбанк” ХАБ	30.08.2022 й.
10	UCOIN	“Универсал банк” АТБ	“Универсал банк” АТБ	17.02.2023 й.
11	PAYNET WALLET	“UZPAYNET” МЧЖ	“Халқ банки” АТ	18.07.2023 й.
12	IWON	“CHOYKHONA” МЧЖ	“Ориент Финанс” ХАТБ	01.09.2024 й.

VII. “�ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ СТАТИСТИК БЮЛЛЕТЕНИ” ЖАДВАЛЛАРИГА МЕТОДОЛОГИК ШАРҲЛАР

I бўлим. Макроиқтисодий кўрсаткичлар

1.1-жадвал. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва унинг таркиби

Мазкур жадвал Статистика агентлиги томонидан ишлаб чиқариш усулида ҳисобланган.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – маълум бир давр мобайнидаги мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган барча якуний товарлар ва кўрсатилган хизматларнинг монетар қиймати.

1.2-жадвал. Истеъмол нархлари индекси (ИНИ) динамикаси

Истеъмол нархлари индекси (ИНИ) – аҳоли томонидан истеъмол учун харид қилинадиган товар ва хизматлар умумий нархлар даражасининг ўзгариш кўрсаткичи. ИНИ белгиланган товар ва хизматлар жорий даврдаги нархлари йиғиндисининг олдинги (базавий) даврдаги нархларига нисбати орқали ҳисобланади.

1.3-жадвал. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари

Инфляцион кутилма – аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг келгуси давр учун инфляция даражаси тўғрисидаги тахминлари. Инфляция кутилмаларига асосланиб, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар, сотувчилар ва харидорлар ўзларининг келгусидаги инвестиция, кредит, молиявий ҳамда нарх сиёсатини белгилайдилар, даромадлар, харажатлар ва тахминий фойда ҳажмини баҳолайдилар.

Инфляцион кутилма Ўзбекистон Республикаси аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўтказиладиган сўровлар орқали аниқланади.

1.4-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси

Тўлов баланси – бу маълум бир давр мобайнидаги резидент ва норезидентлар ўртасидаги иқтисодий операцияларни жамланма кўринишда акс эттирувчи статистик ҳисобот.

Тўлов балансининг тузилиши Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) “Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича қўлланма”сининг олтинчи нашрига (ТБҚ 6, 2009 й.) мувофиқ ягона халқаро методология асосида амалга оширилади.

Ҳисоб юритиш тизимининг негизида ҳар бир операцияни иккиёқлама ёзиш (дебет ва кредит) тамойили ётади. Тўлов балансининг ҳар бир операцияси миқдор жиҳатдан ўзаро тенг ва бир-бирига қарама-қарши (кирим ва чиқим операцияларини ифодаловчи) иккиёқлама ёзув кўринишида акс эттирилади.

Жорий операциялар ҳисоби резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги товарлар ва хизматлар экспорти ва импортини, шунингдек бирламчи ва иккиламчи даромадларни акс эттиради.

Жорий операциялар ҳисоби кўрсаткичлари Давлат божхона қўмитаси, Статистика агентлиги, Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси, тижорат банклари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг маълумотлари асосида ХВЖ стандартларига мувофиқ ва эксперт баҳолаш орқали ҳисобланган.

Товарлар резидент ва норезидент ўртасида эгалик ҳуқуқининг ўтиши тамойили асосида, товарларнинг Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилиши тўғрисидаги маълумотлар асосида акс эттирилади. Бунда импорт қилинган товарлар қиймати FOB нархларда (экспортёр давлат чегарасигача бўлган транспорт ва суғурта харажатлари ҳисобга олинган ҳолдаги товар қиймати) баҳоланади. Шунга мувофиқ, норезидентлардан хизматлар импорти сифатида транспорт ва суғурта бўйича хизматлар қийматини алоҳида акс эттириш мақсадида товарлар нархлари бўйича тузатишлар амалга оширилади.

Хизматлар ҳисобот даври мобайнида резидентлар томонидан норезидентларга ва норезидентлар томонидан резидентларга кўрсатилган хизматларни акс эттиради.

Бирламчи даромадлар норезидентларнинг резидентларга тўлаган иш хаки бўйича ва инвестицион даромадни (масалан, инвестициялар бўйича дивидендларни) ўз ичига олади.

Иккиламчи даромадлар резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги жорий трансфертларни кўрсатади. Трансфертлар деганда товар, хизмат, молиявий ёки бошқа актив эвазига иқтисодий қийматга эга бўлган бошқа объектни олмаган ҳолда тақдим этиш бўйича операциялар тушунилади.

Капитал операциялар ҳисоби резидентлар ва норезидентлар ўртасида қабул қилиниши ва тўланиши назарда тутилган капитал трансфертларни ҳамда ишлаб чиқарилмаган номолиявий активлар сотиб олиниши ва сотилишини кўрсатади.

Ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларга табиий ресурслар, шартномалар, иқтисодий актив деб қабул қилинадиган ижара шартномалари ва лицензиялар, шунингдек маркетинг активларига бўлган ҳуқуқлар киради. Ўз навбатида, капитал трансфертларга капитал активларни ўтказиш, қарздан воз кечиш ва бошқа операциялар киради.

Капитал билан боғлиқ операциялар Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва тижорат банкларининг маълумотлари асосида ҳисобланди.

Молиявий ҳисоб Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари ўртасидаги молиявий активлар ва мажбуриятлар билан боғлиқ операцияларни акс эттириб, улар жумласига кредитларни олиш ва сўндириш, қимматли қоғозлар савдоси, инвестиция фаолиятини амалга ошириш ва бошқалар (савдо кредитлари, суғурта, пенсия ва стандарт гарантиялар дастурлари, бошқа дебитор ва кредитор қарздорлик) киради.

Аввалги ҳисоблардан фарқли ўлароқ, молиявий ҳисобда операциялар дебёт ва кредит бўйича иккиёқлама ёзув тамойили асосида эмас, балки актив ва мажбуриятларга бўлинган ҳолда акс эттирилади.

Молиявий ҳисоб бўйича операциялар Марказий банк, Молия вазирлиги, Статистика агентлиги, тижорат банклари ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг маълумотлари асосида ХВЖ стандартларига мувофиқ ва эксперт баҳолаш орқали ҳисобланган.

Инвестициялар – фойда олиш мақсадида иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритилган пул маблағлари, қимматли қоғозлар, бошқа турдаги мулк, шунингдек пул қийматида эга бўлган мулкдорлик ҳуқуқи ва бошқа турдаги ҳуқуқлар.

Захира активлар пул-кредитни тартибга солувчи органларнинг норезидентларга бўлган алоҳида талабларини ўз ичига олади ҳамда улар чет эл валютасидаги актив бўлиши ва ҳақиқатда мавжуд бўлиши лозим. Захира активларда фақатгина юқори ликвидликка ва сифатга эга активлар ҳисобга олинади.

Соф хатолар ва йўқотишлар – тўлов балансини тузишда турли хил манбалар маълумотларини бирлаштирган ҳолда тўлов баланси компонентларини алоҳида баҳолаш натижасида унинг ҳисобларида юзага келиши мумкин бўлган номуносивбликлар.

1.5-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг халқаро инвестиция позицияси

Халқаро инвестиция позицияси муайян давр боши ва охирига активлар (резидентларнинг норезидентларга талаблари) ва мажбуриятларни (норезидентларнинг резидентларга талаблари) акс эттиради.

Активлар ва мажбуриятлар тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялар, ҳосила молиявий инструментлар, мамлакат захира активлари ва бошқа инвестициялардан ташкил топади.

Активлар ва мажбуриятлар қолдигининг муайян давр боши ва охиридаги мутаносиблиги тўлов балансининг молиявий ҳисобида акс этган операциялар ҳисобига таъминланади. Бунда валюта курслари, активлар қиймати ва молиявий ҳисобда акс этмаган бошқа операциялар қийматининг ўзгариши натижасида юзага келган ўзгаришлар инобатга олинади.

Халқаро инвестиция позициясининг тузилиши ХВЖнинг “Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича қўлланма”сининг олтинчи нашрига (ТБК 6, 2009 й.) мувофиқ ягона халқаро методология асосида амалга оширилади.

1.6-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари

ХВЖнинг “Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича қўлланма”сининг олтинчи нашри (ТБҚ 6, 2009 й.) ва “Халқаро резервлар ва чет эл валютасидаги ликвидлик. Маълумотларни тақдим этиш шакли: асосий тамойиллар” (2013 й.) халқаро захиралар бўйича статистик маълумотларни тайёрлашда услубий асос бўлиб хизмат қилади.

ХВЖнинг мазкур услубий нашрларига мувофиқ, тўлов баланси дефицитини молиялаштиришдаги эҳтиёжларни кондириш, валюта алмашув курсига таъсир кўрсатиш учун валюта бозорларида интервенцияни амалга ошириш ва бошқа шу каби мақсадларда (миллий валюта ва иқтисодийга бўлган ишончни таъминлаш ҳамда ташқи қарзлар учун асос бўлиб хизмат қилиш кабилар) пул-кредитни тартибга солувчи органларнинг эркин тасарруфида бўлган ва улар томонидан назорат қилинадиган ташқи активлар халқаро захиралар (захира активлар) бўлиб ҳисобланади.

Захира активлар – 1.4-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

Захира активлар монетар олтин, махсус қарз олиш ҳуқуқлари (СДР), ХВЖдаги захира позицияси ва чет эл валютасидаги бошқа захира активлардан ташкил топади.

Маълумотлар ҳисобот даврининг охириги кунда амал қилган Марказий банк томонидан ўрнатиладиган чет эл валюталарининг расмий алмашув курслари, ХВЖнинг расмий сайтида эълон қилинадиган СДРнинг алмашув курси ва Лондон қимматбаҳо металл биржасининг олтин бўйича эрталабки фиксинг нархи асосида миллион АҚШ доллари эквивалентида тақдим этилади.

Маълумотларни тақдим этиш шаклининг **“Қимматли қоғозлар”** бўлимида юқори ликвидликка эга ҳамда бозорда сотиладиган капиталда иштирокни таъминловчи ва қарз қимматли қоғозлар акс эттирилади. Мазкур бўлимда фақатгина норезидентлар томонидан чиқарилган чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ҳисобга олинади.

Депозитлар талабга кўра ишлатилиши мумкин бўлган депозитларни ўз ичига олади. Ликвидлик нуқтаи назаридан мазкур депозитларга одатда талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар ҳамда талабга кўра ёки жуда қисқа муддатда депозитнинг қийматига таъсир қилмасдан қайтариладиган муддатли депозитлар киритилади. Захира активлар хорижий марказий банклар, Халқаро ҳисоб-китоблар банки ва бошқа норезидент банкларда жойлаштирилган депозитларни ўз ичига олади. Захира активлар таркибидаги депозитлар бўйича кўрсаткичларда, қоидага кўра, пул-кредитни тартибга солувчи органлар томонидан норезидент банкларга берилган ва талабга кўра қайтариладиган чет эл валютасидаги қисқа муддатли кредитлар ҳам ҳисобга олинади.

Нақд валютадаги маблағлар “Нақд валюта ва депозитларнинг жами миқдори” бўлимида акс эттирилиб, нақд валюта тўловларини амалга оширишда фойдаланиладиган муомаладаги хорижий давлатлар банкнотлари ва тангаларини ўз ичига олади.

ХВЖдаги захира позицияси ўзида биринчидан, ХВЖни хабардор қилиш орқали ундан олинishi мумкин бўлган чет эл валютаси, яъни “захира транши”ни, иккинчидан, ХВЖга аъзо давлат томонидан исталган вақтда фойдаланилиши мумкин бўлган, “Умумий ресурслар ҳисобварағида” акс эттирилувчи ХВЖнинг аъзо давлат олдидаги ҳар қандай қарздорлигини, шу жумладан “Қарзлар тўғрисида бош битим” ва “Қарзлар тўғрисида янги битим” доирасида ҳисобот тақдим этувчи мамлакат томонидан ХВЖга берилган кредитларни акс эттиради. ХВЖга бўлган СДРдаги талаблар, ўз навбатида, чет эл валютасидаги талаблар бўлиб ҳисобланади.

“Олтин” бўлимида расмий ташкилотларга тегишли олтин акс эттирилиб, у олтин қуймалари ва олтинни етказиб беришни талаб қилиш ҳуқуқини берувчи норезидентлар билан бўлган олтин ҳисобварақларидаги қолдиқларни ўз ичига олади. Олтин қуймалари камида 995-пробага эга бўлган танга, қуйма ёки бўлақлар шаклида бўлади ва жавобгарлик остида сақлашдаги олтин ҳисобварақлари қолдиқларини ҳам ўз ичига олади. Мазкур бўлимда пул-кредитни тартибга солувчи органлар томонидан захира актив сифатида сақланадиган олтин ҳисобга олинади.

Бошқа захира активлар захира активларнинг бошқа категориясига киритилмаган, пул-кредитни тартибга солувчи органлар томонидан эркин ишлатиладиган ликвид активларни ўз ичига олади.

Чет эл валютасидаги бошқа активлар захира активларда ҳисобга олинмаган пул-кредитни тартибга солувчи органларнинг чет эл валютасидаги ликвид активларини ўз ичига олади.

Пул-кредитни тартибга солувчи органларнинг резидентларга бўлган чет эл валютасидаги талаблари чет эл валютасидаги бошқа активларга мисол бўла олади.

II бўлим. Пул-кредит кўрсаткичлари

Мазкур бўлимдаги Марказий банк шарҳи, Бошқа депозит ташкилотлари (тижорат банклари) шарҳи, Депозит ташкилотлари (банк тизими) шарҳи ҳамда пул агрегатларига оид маълумотлар Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) янгиланган таҳрирдаги “Пул-кредит ва молиявий статистикани шакллантириш қўлланмаси”да белгиланган тушунчалар, шакллар ва таснифлардан фойдаланган ҳолда стандарт ҳисобот шакллари асосида тузилади.

2.1-жадвал. Марказий банк шарҳи

Марказий банк шарҳи Марказий банкнинг бухгалтерия баланси ҳисоботи асосида ойлик равишда шакллантирилади. Марказий банк шарҳи қуйидаги асосий таркибий қисмлардан иборат.

Соф ташқи активлар - Марказий банкнинг жами ташқи активлари (норезидентларга бўлган талаблари ва монетар олтин) ҳамда Марказий банкнинг жами ташқи мажбуриятлари (норезидентлар олдидаги мажбуриятлари) орасидаги фаркни ифодалайди.

Монетар олтин – Марказий банк томонидан захира актив сифатида сақланадиган халқаро стандартларга мос келувчи олтин.

Норезидентларга бўлган талаблар – Марказий банк кассасидаги нақд чет эл валюта, норезидент банкларда очилган вакиллик ва депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек ХВЖдаги махсус қарз олиш ҳуқуқлари ва захира позицияси акс эттирилади.

Норезидентлар олдидаги мажбуриятлар – Марказий банк томонидан норезидентлардан жалб қилинган депозитлар ва кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек ХВЖ томонидан тақсимлаб берилган махсус қарз олиш ҳуқуқларини ифодалайди.

Бошқа депозит ташкилотларга бўлган талаблар – Марказий банк томонидан тижорат банкларига ажратилган кредитлар ҳамда мазкур ташкилотларда очилган вакиллик ва депозит ҳисобварақларидаги маблағлар акс эттирилади.

Марказий ҳукуматга бўлган соф талаблар – Марказий банкнинг Марказий ҳукуматга бўлган талаблари ҳамда мажбуриятлари орасидаги фаркни акс эттиради.

Марказий ҳукуматга бўлган талаблар – Марказий ҳукумат томонидан чиқарилган Марказий банк тасарруфидаги қимматли қоғозларни ифодалайди.

Марказий ҳукумат олдидаги мажбуриятлар – Марказий ҳукуматнинг Марказий банкдаги депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар акс эттирилади.

Бошқа секторларга бўлган талаблар – Марказий банкнинг бошқа молиявий ташкилотларга, маҳаллий давлат ташкилотларига, номолиявий давлат ташкилотларига ҳамда хусусий секторга бўлган талабларини ўз ичига олади.

Бошқа молиявий ташкилотларга бўлган талаблар – Марказий банк томонидан бошқа молиявий ташкилотларга ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, бошқа молиявий ташкилотлар томонидан чиқарилган ҳамда Марказий банк тасарруфидаги қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

Маҳаллий давлат ташкилотларига бўлган талаблар – Марказий банк томонидан маҳаллий давлат ташкилотларига ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

Номолиявий давлат ташкилотларига бўлган талаблар – Марказий банк томонидан номолиявий давлат ташкилотларига ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, шунингдек Марказий банк тасарруфидаги корхона ва ташкилотларга киритилган инвестиция маблағлари акс эттирилади.

Хусусий секторга бўлган талаблар – Марказий банк томонидан хусусий секторга (бошқа номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлар ва бошқалар) ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган

фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, хусусий сектор томонидан чиқарилган ҳамда Марказий банк тасарруфидаги қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

Пул базаси – Марказий банкдан ташқаридаги нақд пулларни, Марказий банкнинг бошқа депозит ташкилотлари ҳамда бошқа секторлар олдидаги мажбуриятларини ўз ичига олади.

Марказий банкдан ташқаридаги нақд пуллар – Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган нақд пуллар акс эттирилади ва бунда Марказий банк кассасидаги миллий валютадаги нақд пуллар ҳисобга олинмайди.

Бошқа депозит ташкилотлари олдидаги мажбуриятлар – тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳамда мажбурий захира ҳисобварақларидаги маблағларнинг қолдиқлари йиғиндисини ифодалайди.

Мажбурий захиралар – тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий захира ҳисобварақларидаги маблағлари акс эттирилади.

Вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар – тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлари акс эттирилади.

Бошқа секторлар олдидаги мажбуриятлар – бошқа секторларнинг кенг маънодаги пул массаси таркибига киритиладиган Марказий банкдаги депозит ҳисобварақларидаги маблағлари акс эттирилади.

Бошқа депозит ташкилотлари олдидаги бошқа мажбуриятлар – тижорат банкларининг пул базаси таркибига киритилмайдиган Марказий банкдаги депозит ҳисобварақларидаги маблағлари ҳамда тижорат банклари тасарруфидаги Марказий банк облигациялари акс эттирилади.

Пул базаси таркибига киритилмайдиган депозитлар ва қимматли қоғозлар – бошқа секторларнинг пул массаси таркибига киритилмайдиган Марказий банкдаги депозит ҳисобварақларидаги маблағлари акс эттирилади. Шунингдек, Марказий банк томонидан чиқарилган ҳамда бошқа секторлар тасарруфидаги қимматли қоғозлар ифодаланади.

Кредитлар – Марказий банк томонидан бошқа секторлардан жалб қилинган кредит маблағлари акс эттирилади.

Молиявий ҳосилавий инструментлар – форвард шартномалари, шунингдек опцион ва фьючерслар ревальвацияси натижасида ҳамда своплар бўйича ҳисобланмаган зарарлар ёки кечиктирилган даромадлар акс эттирилади.

Акциялар ва капиталдаги иштирокнинг бошқа шакллари – Марказий банкнинг устав ва резерв капитали, девальвация захираси ҳамда тақсимланмаган фойдасини ўз ичига олади.

Бошқа бўлимлар, соф – таснифланмаган активлар ва пасивлар орасидаги фарқ.

2.2-жадвал. Бошқа депозит ташкилотлари (тижорат банклари) шарҳи

Бошқа депозит ташкилотлари шарҳи тижорат банкларининг жамланма бухгалтерия баланси ҳисоботлари асосида ойлик равишда шакллантирилади. Бошқа депозит ташкилотлари шарҳи қуйидаги асосий таркибий қисмлардан иборат.

Соф ташқи активлар – тижорат банкларининг жами ташқи активлари (норезидентларга бўлган талаблари) ҳамда жами ташқи мажбуриятлари (норезидентлар олдидаги мажбуриятлари) орасидаги фарқни ифодалайди.

Норезидентларга бўлган талаблар – тижорат банклари кассаларидаги нақд чет эл валютаси, норезидент банкларда очилган вакиллик ва депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек норезидентларга ажратилган кредитлар, киритилган инвестициялар ҳамда бўнак (аванс) тўловлари акс эттирилади.

Норезидентлар олдидаги мажбуриятлар – тижорат банклари томонидан норезидентлардан жалб қилинган депозитлар ва кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек субординар қарзларни ифодалайди.

Марказий банкка бўлган талаблар – миллий валютадаги нақд пулларни, захира депозитлари ва қимматли қоғозларни (акциялардан ташқари) ҳамда Марказий банкка бўлган бошқа талабларни ўз ичига олади.

Миллий валютадаги нақд пуллар – тижорат банклари кассаларидаги миллий валютадаги нақд пулларни англатади.

Захира депозитлари ва қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари) – тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ва мажбурий захира ҳисобварақларидаги, шунингдек пул базаси таркибига киритилмайдиган депозит ҳисобварақларидаги маблағларни ўз ичига олади.

Марказий банкка бўлган бошқа талаблар – тижорат банклари тасарруфидаги пул базаси таркибига киритилмайдиган Марказий банк облигациялари акс эттирилади.

Марказий ҳукуматга бўлган соф талаблар – тижорат банкларининг Марказий ҳукуматга бўлган талаблари ҳамда Марказий ҳукумат олдидаги мажбуриятлари орасидаги фарқни акс эттиради.

Марказий ҳукуматга бўлган талаблар – тижорат банклари томонидан Марказий ҳукуматга ажратилган кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек Марказий ҳукумат томонидан чиқарилган ҳамда тижорат банклари тасарруфидаги қимматли қоғозларни ифодалайди.

Марказий ҳукумат олдидаги мажбуриятлар – Марказий ҳукуматнинг тижорат банкларидаги талаб қилиб олингунча, жамғарма, муддатли ва бошқа депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда Марказий ҳукуматдан жалб қилинган кредитлар, шунингдек уларга ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.

Бошқа секторларга бўлган талаблар – тижорат банкларининг бошқа молиявий ташкилотларга, маҳаллий давлат ташкилотларига, номолиявий давлат ташкилотларига ҳамда хусусий секторга бўлган талабларни ўз ичига олади.

Бошқа молиявий ташкилотларга бўлган талаблар – тижорат банклар томонидан бошқа молиявий ташкилотларга ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, бошқа молиявий ташкилотлар томонидан чиқарилган ҳамда тижорат банклари тасарруфидаги қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

Маҳаллий давлат ташкилотларига бўлган талаблар – тижорат банклари томонидан маҳаллий давлат ташкилотларига ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

Номолиявий давлат ташкилотларига бўлган талаблар – тижорат банклари томонидан номолиявий давлат ташкилотларига ажратилган кредит ва лизинглар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, киритилган инвестициялар ҳамда амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлар, шунингдек номолиявий давлат ташкилотлари томонидан чиқарилган ҳамда тижорат банклар тасарруфидаги қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

Хусусий секторга бўлган талаблар – тижорат банклари томонидан хусусий секторга (бошқа номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлар ва бошқалар) ажратилган кредит ва лизинглар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, киритилган инвестициялар ҳамда амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлар, шунингдек хусусий сектор томонидан чиқарилган ҳамда тижорат банклар тасарруфидаги қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

Марказий банк олдидаги мажбуриятлар – тижорат банкларидаги Марказий банкнинг вакиллик ва депозит ҳисобварақларидаги маблағлар, шунингдек тижорат банклари томонидан Марказий банкдан жалб қилинган кредитларни ифодалайди.

Кенг маънодаги пул массаси таркибига киритиладиган талаб қилиб олингунча депозитлар – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг тижорат банкларидаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.

Кенг маънодаги пул массаси таркибига киритиладиган бошқа депозитлар – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг жамғарма, муддатли ва бошқа депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.

Кенг маънодаги пул массаси таркибига киритиладиган қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари) – тижорат банклари томонидан чиқарилган ҳамда бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий сектор тасарруфидаги жамғарма ва муддатли депозит сертификатлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар ифодаланади.

Кенг маънодаги пул массаси таркибига киритилмайдиган депозитлар – маҳаллий давлат ташкилотларининг тижорат банкларидаги талаб қилиб олингунча, жамғарма ҳамда муддатли депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.

Кенг маънодаги пул массаси таркибига киритилмайдиган қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари) – тижорат банклари томонидан чиқарилган ҳамда давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий сектор тасарруфидаги облигациялар ифодаланади.

Кредитлар – тижорат банклари томонидан бошқа секторлардан жалб қилинган кредит маблағлари ҳамда уларга ҳисобланган фоизлари йиғиндисини акс эттиради.

Молиявий ҳосилавий инструментлар – форвард шартномалари, шунингдек опцион ва фьючерслар ревальвацияси натижасида ҳамда своплар бўйича ҳисобланмаган зарарлар ёки кечиктирилган даромадлар акс эттирилади.

Акциялар ва капиталдаги иштирокнинг бошқа шакллари – тижорат банкларининг устав, қўшилган ва резерв капитали, девальвация захираси ҳамда тақсимланмаган фойдасини ўз ичига олади.

Бошқа бўлимлар, соф – таснифланмаган активлар ва пасивлар орасидаги фарқ.

2.3-жадвал. Депозит ташкилотлари (Банк тизими) шарҳи

Депозит ташкилотлари (Банк тизими) шарҳи “Марказий банк шарҳи” ва “Бошқа депозит ташкилотлари шарҳи” жадвалларидаги маълумотларни консолидация (умумлаштириш) қилиш асосида ойлик равишда шакллантирилади. Консолидация (умумлаштириш) қилиш Марказий банк ва тижорат банклари орасидаги ўзаро талабларни ва мажбуриятларни чегириб ташлаш ҳамда уларнинг иқтисодиётнинг бошқа секторлари ва норезидентлар билан операцияларини жамлаш орқали амалга оширилади. Депозит ташкилотлари шарҳи қуйидаги асосий таркибий қисмлардан иборат.

Соф ташқи активлар – депозит ташкилотларининг жами ташқи активлари (норезидентларга бўлган талаблари ва монетар олтин) ҳамда жами ташқи мажбуриятлари (норезидентлар олдидаги мажбуриятлари) орасидаги фарқни ифодалайди.

Монетар олтин – халқаро стандартларга мос келувчи олтин.

Норезидентларга бўлган талаблар – депозит ташкилотларининг кассаларидаги нақд чет эл валютаси, норезидент банкларида очилган вакиллик ва депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, норезидентларга ажратилган кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, киритилган инвестициялар ҳамда бўнак (аванс) тўловларини ўз ичига олади. Шунингдек, ХВЖдаги махсус қарз олиш ҳуқуқлари ва захира позицияси акс эттирилади.

Норезидентлар олдидаги мажбуриятлар – депозит ташкилотлари томонидан норезидентлардан жалб қилинган депозитлар ва кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек субординар қарзлар ҳамда ХВЖ томонидан тақсимлаб берилган махсус қарз олиш ҳуқуқларини ифодалайди.

Ички талаблар – депозит ташкилотларининг Марказий ҳукуматга бўлган соф талаблари ҳамда бошқа секторларга бўлган талаблари йиғиндисини ифодалайди.

Марказий ҳукуматга бўлган соф талаблар – депозит ташкилотларининг Марказий ҳукуматга бўлган талаблари ҳамда Марказий ҳукумат олдидаги мажбуриятлари орасидаги фарқни акс эттиради.

Марказий ҳукуматга бўлган талаблар – депозит ташкилотлари томонидан Марказий ҳукуматга ажратилган кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек Марказий ҳукумат томонидан чиқарилган ҳамда депозит ташкилотлари тасарруфидаги қимматли қоғозларни ўз ичига олади.

Марказий ҳукумат олдидаги мажбуриятлар – Марказий ҳукуматнинг депозит ташкилотларидаги депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ва Марказий ҳукуматдан жалб қилинган кредитлар, шунингдек уларга ҳисобланган фоизлар акс эттирилади.

Бошқа секторларга бўлган талаблар – депозит ташкилотларининг бошқа молиявий ташкилотларга, маҳаллий давлат ташкилотларига, номолиявий давлат ташкилотларига ҳамда хусусий секторга бўлган талабларини ўз ичига олади.

Бошқа молиявий ташкилотларга бўлган талаблар – депозит ташкилотлари томонидан бошқа молиявий ташкилотларга ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, бошқа молиявий ташкилотлар томонидан чиқарилган ҳамда депозит ташкилотлар тасарруфидаги қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

Маҳаллий давлат ташкилотларига бўлган талаблар – депозит ташкилотлари томонидан маҳаллий давлат ташкилотларига ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

Номолиявий давлат ташкилотларига бўлган талаблар – депозит ташкилотлари томонидан номолиявий давлат ташкилотларига ажратилган кредит ва лизинглар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, киритилган инвестициялар ҳамда амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, шунингдек номолиявий давлат ташкилотлари томонидан чиқарилган ҳамда депозит ташкилотлар тасарруфидаги қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

Хусусий секторга бўлган талаблар – депозит ташкилотлари томонидан хусусий секторга (бошқа номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлар ва бошқалар) ажратилган кредит ва лизинглар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, киритилган инвестициялар ҳамда амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, шунингдек хусусий сектор томонидан чиқарилган ҳамда депозит ташкилотлар тасарруфидаги қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

Кенг маънодаги пул массаси – муомаладаги (банк тизимидан ташқаридаги) нақд пуллар, талаб қилиб олингунча ва бошқа депозитлар, шунингдек қимматли қоғозларни (акциялардан ташқари) ўз ичига олади.

Муомаладаги (банк тизимидан ташқаридаги) нақд пуллар – Марказий банк томонидан муомалада чиқарилган барча нақд пуллар бўлиб, бунда Марказий банк ҳамда тижорат банклари кассаларидаги миллий валютадаги нақд пуллар ҳисобга олинмайди.

Талаб қилиб олингунча депозитлар – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг депозит ташкилотларидаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.

Бошқа депозитлар – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг депозит ташкилотларидаги жамғарма, муддатли ва бошқа депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.

Қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари) – депозит ташкилотлари томонидан чиқарилган ҳамда бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий сектор тасарруфидаги жамғарма ва муддатли депозит сертификатлари ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ифодалайди.

Пул массаси таркибига киритилмайдиган депозитлар – маҳаллий давлат ташкилотларининг тижорат банкларидаги талаб қилиб олингунча, жамғарма ҳамда муддатли депозит ҳисобварақларидаги маблағларни ўз ичига олади.

Пул массаси таркибига киритилмайдиган қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари) – депозит ташкилотлари томонидан чиқарилган ҳамда бошқа секторлар эғалик қилувчи облигацияларни ифодалайди.

Кредитлар – депозит ташкилотлари томонидан бошқа секторлардан жалб қилинган кредит маблағлари ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни акс эттиради.

Молиявий ҳосилавий инструментлар – форвард шартномалари, шунингдек опцион ва фьючерслар ревальвацияси натижасида ҳамда своплар бўйича ҳисобланмаган зарарлар ёки кечиктирилган даромадлар акс эттирилади.

Акциялар ва капиталдаги иштирокнинг бошқа шакллари – депозит ташкилотларининг устав, қўшилган ва резерв капитали, девальвация захираси ҳамда тақсимланмаган фойдасини ўз ичига олади.

Бошқа бўлимлар, соф – таснифланмаган активлар ва пасивлар орасидаги фарк.

2.4-жадвал. Пул агрегатлари

Пул агрегатлари Марказий банк бухгалтерия баланси ҳисоботи ҳамда тижорат банклари жамланма бухгалтерия баланси ҳисоботлари асосида ойлик равишда шакллантирилади.

Пул агрегатлари қуйидаги асосий таркибий қисмлардан иборат

Кенг маънодаги пул массаси (M2) – миллий валютадаги пул массаси ҳамда чет эл валютасидаги депозитлардан иборат.

Миллий валютадаги пул массаси – тор маънодаги пул массаси (M1) ҳамда миллий валютадаги бошқа депозитларни ўз ичига олади.

Тор маънодаги пул массаси (M1) – муомаладаги нақд пуллар ва миллий валютадаги талаб қилиб олингунча депозитларни ифодалайди.

Муомаладаги нақд пуллар (M0) – Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган нақд пуллар бўлиб, бунда Марказий банк ҳамда тижорат банклари кассаларидаги миллий валютадаги нақд пуллар ҳисобга олинмайди.

Миллий валютадаги талаб қилиб олингунча депозитлар – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг (бошқа номолиявий ташкилотлар, уй ҳўжаликлар ва бошқалар) депозит ташкилотларидаги миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларини ўз ичига олади.

Миллий валютадаги бошқа депозитлар – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг (бошқа номолиявий ташкилотлар, уй ҳўжаликлар ва бошқалар) депозит ташкилотларидаги миллий валютада жамғарма, муддатли ва бошқа депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ифодалайди.

Чет эл валютасидаги депозитлар – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг (бошқа номолиявий ташкилотлар, уй ҳўжаликлар ва бошқалар) депозит ташкилотларидаги чет эл валютасида талаб қилиб олингунча, жамғарма, муддатли ва бошқа депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ифодалайди.

III бўлим. Марказий банк пул-кредит сиёсатининг асосий кўрсаткичлари ва инструментлари

3.1-жадвал. Марказий банкнинг асосий фоиз ставкаси

Асосий фоиз ставка – тижорат банклари учун қарз олиш фоиз ставкасини ҳамда қарз олувчилар учун кредит харажатларини белгилаб берувчи фоиз ставкаси.

Асосий фоиз ставкаси ўзгариши банклараро пул бозоридаги фоиз ставкаларига таъсир кўрсатади.

3.2-жадвал. Мажбурий резервлар нормативлари

Мажбурий резервлар – тижорат банклари томонидан Марказий банкда алоҳида очилган ҳисобвараққа мажбурий тартибда миллий валюта ва чет эл валютасида депозитга ўтказилган пул маблағлари. Марказий банк тижорат банкининг резерв шакллантириладиган мажбуриятларига нисбатан фоиз миқдорини ўрнатади.

Мажбурий резервлар норматив миқдори резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг ҳисоб-китоб давридаги ўртача миқдорига мажбурий резервлар нормативини кўпайтириш орқали ҳисобланади.

3.3-жадвал. Мажбурий резервлар қолдиғи

Мажбурий резервлар қолдиғи – тижорат банклари томонидан Марказий банкда алоҳида очилган ҳисобвараққа миллий ва чет эл валютасида ўтказилган мажбурий резервларнинг маълум бир сана ҳолатига қолдиқлари.

3.4-жадвал. Марказий банк томонидан муомалага чиқарилиб, тижорат банклари орасида жойлаштирилган облигациялар

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигациялари банк тизими ликвидлигини тартибга солиш ҳамда пул-кредит сиёсати фоиз инструментлари самарадорлигини ошириш мақсадида тижорат банклари орасида жойлаштирилади. Ушбу облигациялар “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши тартиби тўғрисида”ги (рўйхат рақами 3080, 2018 йил 25 октябрь) низомга кўра бир йилгача бўлган муддатларда чиқарилади.

Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги маълумот аукцион ўтказиладиган кундан камида бир иш куни олдин Марказий банкнинг расмий саҳифаларида эълон қилинади.

Марказий банк облигациялари – облигация эгасига белгиланган тартибда даромад олиш ҳуқуқини берувчи Марказий банк томонидан электрон шаклда чиқариладиган эмиссиявий қимматли қоғозлар.

Купон даври – облигация эгасига фоизли даромад тўлаб бериладиган, Марказий банк томонидан белгиланган давр.

Савдо тизими – облигациялар бўйича электрон савдоларни ташкиллаштириш, облигацияларни сақлаш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш, тузилган битимлар бўйича клиринг ва ҳисоб-китобларни амалга оширишни таъминловчи валюта биржасининг автоматлаштирилган электрон тизими.

Дилер – Марказий банк ҳамда валюта биржаси билан тузилган Бош битим асосида облигациялар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи тижорат банклари.

Аукцион савдолари – облигацияларни жойлаштириш бўйича Марказий банк томонидан тижорат банклари ўртасида амалга ошириладиган кимошди савдолари.

3.5-3.6-жадваллар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўтказилган депозит, валютавий своп, РЕПО аукционлари ҳамда овернайт депозит операциялари натижалари

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан депозит аукционлари ва овернайт депозит операциялари “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тижорат банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги (рўйхат рақами 3079, 2018 йил 25 октябрь), РЕПО аукционлари “Ўзбекистон Республикасининг Давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисида”ги (рўйхат рақами 1829, 2008 йил 15 март) низомларга, валютавий своп аукционлари “Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидалари”га (рўйхат рақами 3281, 2020 йил 31 август) асосан ўтказилиб борилади.

Марказий банк томонидан амалга ошириладиган ушбу операциялар тижорат банкларига ликвидлик бериш ёки жалб қилиш мақсадида амалга оширилади.

Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги маълумот аукцион ўтказиладиган кундан камида бир иш куни олдин Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Депозит аукциони – тижорат банкларининг пул маблағларини жалб қилиш бўйича Марказий банк томонидан тижорат банклари ўртасида амалга ошириладиган кимошди савдолари.

РЕПО ва валютавий своп аукционлари – Марказий банк томонидан банклараро пул бозоридаги фоиз ставкаларининг асосий ставка ёки фоиз коридоридан чекиниши ҳолатларининг олдини олиш мақсадида тижорат банклари ўртасида ўтказиладиган кимошди савдоларидир.

Аукцион муддати – Марказий банк томонидан тижорат банкларидан аукцион орқали жалб қилинадиган депозитларнинг сақланиши белгиланган даври.

Жалб қилинадиган маблағларнинг максимал миқдори – депозит аукционидан тижорат банкларидан жалб қилиниши мумкин бўлган маблағларнинг Марказий банк томонидан ўрнатилган максимал миқдори.

Тақдим этиладиган маблағларнинг максимал миқдори – валютавий своп ҳамда РЕПО аукционларида тижорат банкларига тақдим қилиниши мумкин бўлган маблағларнинг Марказий банк томонидан ўрнатилган максимал миқдори.

Банклар томонидан таклиф этилган маблағлар миқдори – аукционда тижорат банклари томонидан таклиф этилган маблағлар миқдори.

Банклар томонидан таклиф этилган минимал фоиз ставкаси – аукционда тижорат банклари томонидан таклиф этилган минимал фоиз ставкаси.

Банклар томонидан таклиф этилган максимал фоиз ставкаси – аукционда тижорат банклари томонидан таклиф этилган максимал фоиз ставкаси.

Чегириниш ставкаси – аукцион натижаларига кўра тижорат банкларининг қондириладиган рақобатли аризалари бўйича таклиф этилган депозит аукционлари учун максимал, РЕПО ҳамда валютавий своп аукционлари учун минимал фоиз ставкалари.

Ўртача тортилган фоиз ставкаси – аукцион якунлари бўйича тўлиқ ёки қисман қондириладиган рақобатли аризаларда кўрсатилган маблағлар миқдори ҳамда фоиз ставкаларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Жалб қилинган маблағлар миқдори – депозит аукциони натижалари бўйича Марказий банк томонидан тижорат банкларидан депозитга жалб қилинган маблағларнинг жами миқдори.

Тақдим этилган маблағлар миқдори – РЕПО ва валютавий своп аукционлари натижалари бўйича Марказий банк томонидан тижорат банкларига тақдим этилган маблағларнинг жами миқдори.

Овернайт депозит – пул бозоридаги фоиз ставкаларининг кескин тебранишининг олдини олиш ҳамда тижорат банклари ликвидлигини Марказий банкка жалб қилиш мақсадида Марказий банк томонидан ўрнатилган фоиз корридорининг қуйи чегарасида ўтказиладиган ва муддати бир кундан иборат бўлган операциялар.

3.7-жадвал. Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан расмий алмашув курслари

Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан расмий алмашув курслари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайтида (<http://www.cbu.uz>) ҳар куни жойлаштирилади. Алмашув курслари валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш мақсадида эълон қилинади.

АҚШ долларининг сўмга нисбатан алмашув курси ўртача тортилган кўрсаткич сифатида валюта биржасида кунлик шаклланган курслардан ҳамда ушбу курслар бўйича амалга оширилган операциялар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Бошқа валюталарнинг алмашув курслари АҚШ долларини асосий валюта сифатида қабул қилган ҳолда кросс-курс асосида ҳисобланади. Бошқа хорижий давлатлар валюталарининг АҚШ долларига нисбатан курсларининг манбаси сифатида Thomson Reuters ахборот тизимидан фойдаланилади.

IV бўлим. Молия бозори

4.1. Банклараро пул бозоридаги операциялар

4.1.1-жадвал. Миллий валютадаги банклараро депозитлар

Банклараро пул бозорида миллий валютада депозитларни жойлаштириш “Банклараро пул бозорида электрон савдо платформаси орқали операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомга (рўйхат рақами 3010, 2018 йил 12 май) мувофиқ амалга оширилади.

Мазкур операциялар Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсати мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек тижорат банклари томонидан банкнинг ликвидлигини таъминлаш ёки пул маблағларини жойлаштириш орқали даромад олиш мақсадида амалга оширилади.

Банклараро пул бозорида депозитларнинг жалб қилиниши ва жойлаштирилиши ягона электрон савдо платформаси орқали амалга оширилади.

Ушбу жадвалда тижорат банклари томонидан банклараро пул бозорида жойлаштирилган маблағлар умумий миқдорининг динамикаси, улар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари ҳамда давр охирига депозитлар қолдиқлари келтирилган.

Банклараро депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси ҳисобот даврида ҳар бир жалб қилинган депозит суммасини унинг йиллик ҳисобдаги фоиз ставкасига кўпайтириш натижалари йиғиндисининг жами жалб қилинган депозитлар суммасига нисбати орқали аниқланади ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$P_{AV} = \frac{\sum_{t=1}^n (V_t * P_t)}{\sum_{t=1}^n (V_t)},$$

Бу ерда:

P_{AV} – ўртача тортилган фоиз ставкаси;

V_t – t-депозит суммаси;

P_t – t-депозит бўйича йиллик ҳисобдаги фоиз ставкаси.

4.1.2-жадвал. Миллий валютадаги банклараро репо битимлари

Банклараро пул бозорида миллий валютада репо битимлари “Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (рўйхат рақами 1829, 2008 йил 18 июнь) мувофиқ амалга оширилади.

Мазкур операциялар Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсати мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек тижорат банклари томонидан банкнинг ликвидлигини таъминлаш ёки пул маблағларини жойлаштириш орқали даромад олиш мақсадида амалга оширилади.

Банклараро пул бозорида репо битимларини тузилиши ягона электрон савдо платформаси орқали амалга оширилади.

Ушбу жадвалда тижорат банклари томонидан банклараро пул бозорида тузилган репо битимларининг умумий ҳажми динамикаси ҳамда улар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари келтирилган.

4.2. Валюта бозори

4.2.1-жадвал. Ўзбекистон республика валюта биржасида чет эл валюталари савдолари ҳажми

Ўзбекистон республика валюта биржасида чет эл валютасини харид қилиш ва сотиш операциялари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 июлдаги 294-сонли қарори билан тасдиқланган “Биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан амалга оширилади.

Ушбу жадвалда тижорат банклари томонидан валюта биржасида амалга оширилган савдолари ҳажми динамикаси келтирилган.

Шунингдек, жадвалда биржа савдоларида шаклланган чет эл валютасининг миллий валютага нисбатан ўртача курслари келтирилган бўлиб, улар савдолар ўтказилган ҳар бир кундаги курслар йиғиндисининг савдолар ўтказилган кунлар сонига нисбати орқали аниқланган.

4.2.2-4.2.3-жадваллар

Ушбу жадвалларда тижорат банклари томонидан жисмоний шахслар, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлардан чет эл валютасини сотиб олиш ва уларга чет эл валютасини сотиш операциялари сони, умумий суммаси динамикаси ҳамда валюта турлари кесимида келтирилган.

V бўлим. Кредит ташкилотлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

5.1. Умумий маълумот

5.1.1-жадвал. Кредит ташкилотлари ва уларнинг таркибий бўлинмалари сони

Ушбу жадвалда Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган кредит ташкилотлари, шу жумладан банк ва нобанк кредит ташкилотлари сони ва таркибий тузилмаси тўғрисида

маълумотлар кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунларига асосан Марказий банк кредит ташкилотларига уларнинг фаолият юритишлари учун лицензия беради.

Кредит ташкилотлари – тегишли лицензияга эга бўлган банклар, микромолия ташкилотлари, ломбардлар ва бошқа кредит ташкилотлари.

Банк (тижорат банки) – банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга (депозитларга) пул маблағларини жалб этиш, ўз номидан кредитлар бериш бўйича банк фаолияти сифатида аниқланган операциялар мажмуини амалга оширувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс.

Банк филиали – банкнинг юридик шахс бўлмаган, банк номидан банк фаолиятини амалга оширувчи ва банк томонидан ўзига берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилувчи алоҳида бўлинмасидир.

Давлат улуши мавжуд банклар – устав капиталида давлат улуши камида 50 фоизни ташкил этган банклар.

Микромолия ташкилоти – микромолиялаштириш фаолиятини амалга оширувчи, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа хизматларни кўрсатувчи юридик шахс

Ломбард – шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкнинг (ашёнинг) закалат тарзидаги гарови асосида жисмоний шахсларга қисқа муддатли микроқарзлар беришга доир фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс.

Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти – молиявий маблағларни жалб қилиш ва уларни ипотека кредитларини қайта молиялаштиришга йўналтириш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс.

Банк хизматлари марказлари (хизмат офислари ва мини-банклар) – банк филиали биносидан ташқарида жойлашган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ фаолият юритувчи банк филиалининг таркибий тузилмаси. Банк хизматлари офиси турли хил номланиши (“Мини-банк”, “Чакана хизматлар маркази”, “Банк хизматлари маркази” ва бошқалар) мумкин.

24/7 шохобчалари – жисмоний шахсларга уларнинг миллий валютадаги ва халқаро пластик карталаридан нақд пул ечиш, миллий валютадаги пластик карталарини нақд пулда тўлдириш, шунингдек турли тўловларни амалга оширишлари бўйича узлуксиз (куну-тун) хизматларни кўрсатиш учун мўлжалланган, банк филиали биносидан ташқарида жойлашган дастурий техник воситалар.

5.1.2-жадвал. Тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

Мазкур жадвалда давлат улуши мавжуд бўлган ва давлат улуши бўлмаган банклар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, шу жумладан уларнинг активлари, кредитлари, депозитлари ва капитали ҳажмлари динамикаси, шунингдек ушбу кўрсаткичларнинг чет эл валютасидаги қисмининг миллий валютадаги эквиваленти келтирилган.

Активлар – кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари, Марказий банк ва бошқа банклардаги маблағлар, инвестициялар, қимматли қоғозлар, кредит қўйилмалари, лизинг ва факторинг операциялари, асосий воситалар ва номоддий активлар, активлар бўйича ҳисобланган фоизлар, ҳисобланган фоизсиз даромадлар, валюта позициялари, банкнинг бошқа хусусий мулклари ва бошқа активлар.

Кредитлар (кредит қўйилмалари) – мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот, муассаса, ҳўжалик ширкатлари ва жамиятларга, Ҳукуматга, бюджет ташкилотларига, бошқа тижорат банкларига, жисмоний шахсларга, якка тартибдаги тадбиркорларга кредит бериш қоидаларига ҳамда кредит шартномасига мувофиқ ажратилган қисқа муддатли (берилган санадан бошлаб 1 йил муддатгача) ва узоқ муддатли (берилган санадан бошлаб 1 йилдан ортиқ муддатга) кредитлар, улар билан амалга оширилган (Ҳукумат, бюджет ташкилотлари ва жисмоний шахслар бундан мустасно) лизинг ва факторинг операциялари.

Депозитлар – Ҳукумат ва турли даражадаги бюджетлар қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича, бюджетдан ташқари фондларнинг,

мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот, муассаса, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг, жисмоний шахсларнинг, якка тартибдаги тадбиркорларнинг ва бошқа миждозларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган, жамғарма ва муддатли депозитлари, банклар томонидан чиқарилган жамғарма ва депозит сертификатлари.

Капитал (хусусий капитал) устав капиталидан, қўшимча капиталдан, захира капиталидан ва тақсимланмаган фойдадан таркиб топади.

5.1.3-жадвал. Банк тизими бўйича капитал етарлилиги кўрсаткичлари

Мазкур жадвалда банк тизими бўйича капитал етарлилиги кўрсаткичлари динамикаси келтирилган.

Банклар капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июль) билан тартибга солинади.

Регулятив капитал – банк фаолиятини тартибга солиш ва пруденциал нормативлар ҳисоб-китобини амалга ошириш мақсадида ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланадиган банк капитали.

Регулятив капитал I даражали капитал ва II даражали капиталнинг йиғиндисидан иборат.

I даражали капитал I даражали асосий капитал ва I даражали қўшимча капитални ўз ичига олади.

I даражали асосий капитал банк регулятив капиталининг 60 фоизидан кам бўлмаслиги ва ўз ичига қуйидагиларни олиши зарур:

а) банкнинг тўлиқ тўланган оддий акциялари ёки банк акциядорлик жамиятидан бошқа шаклда ташкил этилганда оддий акцияга тенглаштирилган воситалар;

б) қўшилган капитал – оддий акциялар биринчи марта жойлаштирилишида уларнинг номинал нархидан юқори тўланган сумма;

в) тақсимланмаган фойда (зарар):

банк балансидаги аввалги йилларнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан шаклланган капитал захиралар ва бошқа захиралар (текинга олинган мулклар ва асосий воситалар ҳамда номоддий активларнинг бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси бундан мустасно);

тўланмаган дивиденд суммасидан ташқари ўтган йиллардан қолган тақсимланмаган фойда;

ўтган йиллардаги қопланмаган зарарлар ва жорий йил зарарлари;

г) озчилик улуш эгаларининг банк йиғма балансига бирлашадиган корхоналардаги улушлари. Бу улуш шўъба корхоналари ҳисобварақлари банк молиявий ҳисоботларида бирлаштирилганда ва банк улуши бундай корхоналар капиталининг 100 фоиздан кам қисмини ташкил қилганда вужудга келади;

д) девальвация захираси. Бу захира сезиларли даражада миллий валютанинг қадрсизланишида (девальвация) банкнинг ўз мажбуриятларини қоплаш учун тақсимланмаган фойда ҳисобидан ажратилган маблағлардан шаклланади.

I даражали қўшимча капитал ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) тўлиқ тўланган нокумулятив муддатсиз имтиёзли акциялар;

б) қўшилган капитал – имтиёзли акцияларнинг биринчи марта жойлаштирилишида уларнинг номинал нархидан юқори тўланган сумма;

в) I даражали қўшимча капиталга қўшилиш шартларига жавоб берувчи шўъба корхоналари томонидан чиқарилган ва учинчи шахслар ихтиёрида бўлган капиталга тенглаштирилган воситалар, шунингдек озчилик улуш эгаларининг банк йиғма балансига бирлашадиган корхоналардаги улушлари (олдинги қисмининг “г” бандига киритилганлар бундан мустасно).

II даражали капитал қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) жорий йилдаги соф фойда, банкнинг оралиқ молиявий ҳисоботи аудиторлик текширувидан ўтган бўлса – тасдиқланган молиявий натижаларидан кўп бўлмаган миқдорда, акс ҳолда банк

ҳисоботидаги соф фойданинг 50 фоизи;

б) чегирмалардан сўнг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активлар суммасининг 1,25 фоизидан юқори бўлмаган миқдордаги стандарт кредитларга (активлар) яратиладиган захиралар;

в) чегирмалардан сўнг I даражали капиталнинг учдан бир қисмидан ошмаган миқдорда аралаш турдаги мажбуриятлар (акциядорлик ва қарз капитали хусусиятларига эга бўлган воситалар);

г) субординар қарз – бу банкнинг қарз мажбуриятлари шакли бўлиб, банк капиталини аниқлаш мақсадида ҳисоб-китоблардан сўнг I даражали капиталнинг учдан бир қисмидан ошмаслиги керак. II даражали капитал таркибига кирувчи субординар қарз қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

гаров таъминотига эга бўлмаслиги;

банк тугатилаётганда депозиторлар ва банкнинг бошқа кредиторлари талаблари қондирилганидан сўнг ушбу мажбуриятлар бўйича талаблар қондирилиши;

бошланғич тўлов муддати 5 йилдан кейин бўлиши;

қарздор банк ёки унга алоқадор шахслар томонидан бошқа активларга кафолат ва таъминот сифатида қўйилмаган, шунингдек банк тугатилган тақдирда ҳеч қандай шартнома билан унинг тўлаш навбати (субординацияси) ўзгартирилмаган, яъни банк депозиторлари ва кредиторлари талабларига тенглаштирилмаган бўлиши;

муддатидан аввал Марказий банкнинг рухсати билан қайтарилиши.

д) активларнинг бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммасининг 45 фоизи миқдори.

Капитал етарлилиги кўрсаткичи (регулятив капиталнинг монандлик коэффиценти) регулятив капитал суммасининг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активлар умумий суммасига нисбати орқали ҳисобланади.

Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммаси чегирмалар ажратилган ҳолда таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги баланс ва балансдан ташқари активлар йиғиндиси сифатида аниқланади.

I даражали капитал етарлилиги кўрсаткичи I даражали капитал суммасининг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активлар умумий суммасига нисбати орқали ҳисобланади.

5.1.4-жадвал. Банк тизими ликвидлилик кўрсаткичлари

Мазкур жадвал маълумотлари тижорат банклари томонидан ликвидлилик кўрсаткичларига қўйилган талабларнинг бажарилиши ҳолатини кўрсатади.

Ликвидлилик кўрсаткичларига қўйилган талаблар “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 2709, 2015 йил 13 август) билан тартибга солинади.

Ликвидли активлар – қиймати бозорда шаклланадиган, бозор қиймати бўйича қисқа муддат ичида уларни сотиб олишга осонлик билан харидор топиладиган, доимий равишда кўзда тутилмаган (номақбул) йўқотишларсиз сотилувчи ва сотиб олинувчи активлар.

Юқори ликвидли активларга қуйидагилар киради:

нақд пуллар;

соф қуйма олтин;

Ҳукуматнинг ва Марказий банкнинг қимматли қоғозлари;

таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлар ҳукуматлари ва марказий банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар, шунингдек бу мамлакатлар ҳукуматлари ва марказий банкларига бошқа молиявий талаблар;

банкнинг Марказий банкда очилган ҳисобварақларидаги маблағлар, бундан Марказий банкдаги мажбурий резерв ҳисобварақларидаги маблағлар мустасно;

таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлардаги “Standard & Poor’s”, “Fitch Ratings” ва “Moody’s Investors Service” компанияларининг инвестицион рейтинг даражасига ёки Марказий банк

томонидан тан олинадиган бошқа рейтинг компанияларининг ушбу рейтинг даражасига тенг бўлган рейтинг баҳоларига эга банкларга жойлаштирилган ликвидли активлар.

Жорий ликвидлилик коэффиценти жорий активлар (тўлов муддати 30 кунгача бўлган банкнинг ликвидли активлари ва қўйилмалари, бундан муддати узайтирилган ёки қайтариш муддати ўтган кредитлар мустасно) суммасининг жорий мажбуриятлар (талаб қилиб олингунча ва ижро этиш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар) суммасига нисбати орқали аниқланади ва у 30 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффиценти юқори ликвидли активларнинг кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқимга нисбати сифатида аниқланади.

Соф барқарор молиялаштириш меъёри барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммасининг барқарор молиялаштиришнинг зарур суммасига нисбати сифатида аниқланади ва у 100 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

Барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммасига қуйидагилар киради:

жами капитал;

амалдаги қайтариш муддати 1 йил ва ундан ортиқ бўлган банк мажбуриятлари;

қайтариш муддати белгиланмаган бошқа депозитлар ва қарз маблағлари суммасининг 30 фоизи;

қайтариш муддати 1 йилдан кам бўлган бошқа депозитлар ва қарз маблағлари суммасининг 30 фоизи.

Барқарор молиялаштиришнинг зарур суммасига қуйидагилар киради:

қайтарилишига 1 йил ва ундан ортиқ муддат қолган банк активлари, шу жумладан, муаммоли кредитлар ва номолиявий активлар (ер участкалари, бинолар, мебель, компьютерлар ва автомашиналар);

суд жараёнида бўлган ёки белгиланган тартибда ундирилмаган активлар;

қайтариш муддати 1 йилдан кам бўлган бошқа активлар суммасининг 30 фоизи, қайтариш муддати 1 йилдан кам бўлган ёки муддатсиз ликвидли активлар бундан мустасно;

балансдан ташқари моддаларнинг 15 фоизи.

Лаҳзали ликвидлилик коэффиценти банк кассасидаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари ҳамда банкнинг Марказий банкдаги ҳисобварақларидаги маблағлари (бундан Марказий банкдаги мажбурий резерв ҳисобварағидаги маблағлар мустасно) суммасининг талаб қилиб олингунча мажбуриятлар суммасига нисбати орқали аниқланади ва у 25 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

Талаб қилиб олингунча мажбуриятлар ҳисобварақлари рўйхати юқорида кўрсатиб ўтилган Низомнинг 3-илоvasида келтирилган.

5.1.5-жадвал. Банк тизими даромад ва харажатлари

Мазкур жадвалда банк тизими даромадлари ва харажатлари динамикаси келтирилган.

Фоизли даромадлар – пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларидан фойдаланганлик учун олинган даромадлар бўлиб, уларнинг таркибига Марказий банк ва бошқа банклардаги ҳисобварақлар, қимматли қоғозлар ва уларга қилинган инвестициялар, кредитлар ва лизинг операциялари бўйича ва бошқа фоизли даромадлар киради.

Фоизли даромадлар ҳар қандай дисконт, мукофот ёки қарз қимматли қоғозлари ёхуд кредитнинг бошланғич баланс қиймати билан уларнинг сўндириш суммалари ўртасидаги бошқа фарқларнинг амортизация суммасини ўз ичига олади.

Фоизли харажатлар – пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларидан фойдаланганлик учун харажатлар бўлиб, уларнинг таркибига жалб қилинган депозитлар, Марказий банк ва бошқа банкларнинг ҳисобварақлари, олинган кредитлар, чиқарилган қимматли қоғозлар ва қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари, банкнинг тўланмаган акцептлари бўйича ва бошқа фоизли харажатлар киради.

Фоизли харажатлар ҳар қандай дисконт, мукофот ёки қарз қимматли қоғозлари ёхуд қарз маблағларининг бошланғич баланс қиймати билан уларнинг сўндириш суммалари ўртасидаги бошқа фарқларнинг амортизация суммасини ўз ичига олади.

Фоизли маржа – фоизли даромадлар ва фоизли харажатлар ўртасидаги фарқ.

Фоизсиз даромадлар – банк томонидан кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар, чет эл валютасидаги фойда, тижорат операцияларидан олинган фойда, инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар ҳамда бошқа фоизсиз даромадлар.

Фоизсиз харажатлар – банк томонидан тўланган хизмат ва воситачилик харажатлари, чет эл валютасида кўрилган зарарлар, тижорат операцияларидан кўрилган зарарлар, инвестициялардан кўрилган зарарлар ва бошқа фоизсиз харажатлар.

Операцион харажатлар – банк операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар бўлиб, уларнинг таркибига ходимларнинг иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар, ижара ва таъминот харажатлари, транспорт ва хизмат сафари харажатлари, маъмурий харажатлар, репрезентация ва хайрия харажатлари, эскириш харажатлари, суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни ва фойда солиғини баҳолаш ҳамда бошқа операцион харажатлар киради.

Фоизсиз даромад (зарар) – фоизсиз даромадлар билан фоизсиз ва операцион харажатлар ўртасидаги фарқ.

Кредит ва лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш – кредит ва лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш суммаси.

Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш – бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш суммаси.

Солиқ тўлангунга қадар соф фойда (зарар) – ҳисобот даврида банк молиявий фаолиятининг натижалари бўйича солиқ тўлангунга қадар олинган соф фойда (зарар) суммаси.

Фойда солиғини тўлаш харажатлари – олинган фойдага ҳисобланган солиқлар бўйича банк харажатлари.

Фойда бўйича тузатишлар – бухгалтерия тамойилларига асосан банк фаолиятининг молиявий натижалари бўйича бошқа ҳар қандай тузатишлар.

Соф фойда (зарар) – фойда солиғи тўлангандан ва фойда бўйича тузатишлар амалга оширилгандан сўнг молиявий фаолиятининг натижалари бўйича олинган соф фойда (зарар).

5.1.6-жадвал. Банк тизими даромадлилик кўрсаткичлари

Мазкур жадвалда банк тизими фаолиятининг даромадлилик кўрсаткичлари динамикаси келтирилган бўлиб, шунингдек активлар ва капитал даромадлилиги каби коэффициентлар акс эттирилган.

Жадвал кўрсаткичлари бўйича 5.1.5-жадвалга оид методологик шарҳларга қаранг.

5.1.7-жадвал. Банк тизимининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари

Мазкур жадвалда банк тизими молиявий барқарорлик кўрсаткичлари, шу жумладан банк капитали етарлилиги, активлар сифати, актив ва капитал даромадлилиги, ликвидлилиги ва бошқа бир қатор кўрсаткичлар келтирилган.

Регулятив капитал – банк фаолиятини тартибга солиш ва пруденциал нормативлар ҳисоб-китобини амалга ошириш мақсадида ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланадиган банк капитали.

I даражали капитал – чегирмаларни ҳисобга олган ҳолдаги I даражали асосий капитал ва I даражали қўшимча капитал йиғиндиси.

Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активлар суммаси – активлар баланс суммасини унга тегишли таваккалчилик миқдорига кўпайтириш йўли билан аниқланадиган активлар йиғиндиси.

Жами кредитлар ва микроқарзлар – кредит, микроқарз, овердрафт, лизинг, факторинг, РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар, банкнинг тўланмаган акцептлари бўйича

мижозларнинг мажбуриятлари ва активлар бўйича ҳисобланган фоизлар суммаси.

Муаммоли кредитлар ва микроқарзлар – “қониқарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз” деб таснифланган кредитлар ва микроқарзлар.

Захиралар чегирилган ҳолдаги муаммоли кредитлар – муаммоли кредитлар суммасидан улар бўйича яратилган захиралар суммаси чегирилган кредитлар.

Активларнинг умумий суммаси (давр учун ўртача) – ҳисобот даври ойлари охиридаги активлар миқдорининг ўртача арифметик суммаси.

Жами капитал (давр учун ўртача) – ҳисобот даври ойлари охиридаги капитал миқдорининг ўртача арифметик суммаси.

Қисқа муддатли мажбуриятлар – банкнинг 1 йил муддатгача бўлган мажбуриятлари.

Соф очик валюта мавқеи – банкнинг чет эл валютасида ифодаланган талаблари суммасининг чет эл валютасидаги мажбуриятлари суммаси ўртасидаги фарқи.

Йирик таваккалчилик ҳажми – банк I даражали капиталининг 10 фоизидан ошадиган таваккалчиликлар суммаси.

Жадвалнинг қолган кўрсаткичлари бўйича 5.1.2 ва 5.1.4-5.1.5-жадвалларга оид методологик шарҳларга қаранг.

5.1.8-жадвал. Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари

Мазкур жадвалда тижорат банкларининг муаммоли кредитлари динамикаси жами банклар, шу жумладан давлат улуши мавжуд банклар ва давлат улуши бўлмаган банклар кесимида келтирилган.

Жадвалнинг кўрсаткичлари бўйича 5.1.7-жадвалга оид методологик шарҳларга қаранг.

5.1.9-жадвал. Банк тизимининг таққослама кўрсаткичлари

Мазкур жадвалларда тижорат банклари активлари ва мажбуриятлари бўйича таққослама кўрсаткичлар динамикаси жами банклар, шу жумладан давлат улуши мавжуд банклар ва давлат улуши бўлмаган банклар кесимида келтирилган.

Мажбуриятлар – талаб қилиб олингунча сақланадиган, жамғарма ва муддатли депозитлар, пластик карталардаги маблағлар, Марказий банк ва бошқа банкларнинг ҳисобварақлари, олинган кредитлар ва лизинг, Ҳукуматга тегишли даромадлар ва бошқа тушумлар, тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар ва солиқлар, бошқарув (менежер) чеклари ва банкнинг тўланмаган акцептлари, РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар, банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар ва бошқа мажбуриятлар.

Жадвалнинг қолган кўрсаткичлари бўйича 5.1.2 жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

5.1.10-жадвал. Тижорат банклари жамланма баланси

Мазкур жадвалда тижорат банклари жамланма бухгалтерия баланси, унинг таркиби ҳамда кўрсаткичлари динамикаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Активлар – 5.1.2-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари – банклар ва уларнинг филиаллари кассаларида мавжуд бўлган нақд пул, банкнот, танга ва бошқа тўлов ҳужжатлари.

Марказий банкдаги маблағлар – банкларнинг банклараро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун Марказий банкка жойлаштирган бўш пул маблағлари, Марказий банкдаги мажбурий резерв ҳисобварағига ўтказилган маблағлар ва бошқа депозитлар.

Бошқа банклардаги маблағлар - резидентлар – банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан фаолият юритаётган банкларга жойлаштирилган маблағлар.

Бошқа банклардаги маблағлар - норезидентлар – банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида фаолият юритаётган банкларга жойлаштирилган маблағлар.

Инвестициялар – 1.4-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

Қимматли қоғозлар – давлат ва бошқа корпорацияларнинг қимматли қоғозлари номинал қолдиғи ёки банкларнинг тижорат фаолияти билан боғлиқ ҳолда сотиб олинган депозит сертификатлари.

Кредит қўйилмалари – 5.1.2-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

Асосий воситалар – бу моддий активлар бўлиб, банк фаолиятида банк хизматларини кўрсатиш жараёнида, ижарага бериш учун ёки маъмурий мақсадларда улардан фойланилади. Асосий воситаларга бино, иншоотлар, ускуна ва асбоблар, компьютерлар, мебель, ҳисоблаш техникалари, транспорт воситалари ва шу кабилар киради.

Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар – активлар бўйича ҳисобланган (шунингдек, моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операциялар бўйича ҳисобланган), лекин ҳали олинмаган фоизлар.

Банкнинг бошқа хусусий мулклари – банк фаолияти билан боғлиқ мақсадларда ишлатиладиган банкка тегишли бўлган қўчмас мулклар ва бошқа хусусий мулклар ёки кредит ҳисоб-китоблари ва бошқа сабаблар туфайли банк томонидан ўзлаштирилган мулклар.

Бошқа активлар – юқоридаги таснифларга мос тушмайдиган активлар.

Мажбуриятлар – 5.1.9-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

Депозитлар – 5.1.2-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

Марказий банкнинг ҳисобварақлари – Марказий банкнинг тижорат банкларида очилган вакиллик ва депозит ҳисобварақларидаги маблағлари.

Бошқа банкларнинг маблағлари - резидентлар – резидент банкларнинг Ўзбекистон Республикасидаги банкларда очилган вакиллик ва депозит ҳисобварақларидаги маблағлари.

Бошқа банкларнинг маблағлари - норезидентлар – норезидент банкларнинг Ўзбекистон Республикасидаги банкларда очилган вакиллик ва депозит ҳисобварақларидаги маблағлари.

Олинган кредитлар ва лизинг – Марказий банк ва бошқа банклардан, Ҳукуматдан, Молия вазирлиги ҳузуридаги ва бюджетдан ташқари жамғармалардан, банк бўлмаган молиявий муассасалардан ва бошқа кредиторлардан олинган қисқа муддатли (олинган санасидан бошлаб 1 йил муддатгача) ва узоқ муддатли (олинган санасидан бошлаб 1 йилдан ортиқ муддатга) кредитлар, бошқа банклар ва лизинг берувчилар олдидаги лизинг бўйича мажбуриятлар.

Чиқарилган қимматли қоғозлар – банклар томонидан чиқарилган облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар.

Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар – банк мажбуриятлари бўйича ҳисобланган, лекин ҳали тўланмаган фоизлар.

Бошқа мажбуриятлар – юқоридаги таснифларга мос тушмайдиган мажбуриятлар.

Устав капитали таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳиссаларнинг (пулда ифодаланган ҳолдаги) йиғиндисини акс эттиради.

Қўшимча капитал акцияларни номинал қийматидан баланд нархларда дастлабки сотишдан олинадиган эмиссия даромадини, шунингдек эквиваленти чет эл валютасида ифодаланган устав капиталини шакллантириш жараёнида юзага келадиган курс фарқини акс эттиради.

Захира капитали узоқ муддатли активларни қайта баҳолашда ҳосил бўладиган инфляция захираларини, қонун ҳужжатларида ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорларда соф фойдадан ажратмаларни, шунингдек текинга олинган мол-мулкнинг қийматини акс эттиради.

Тақсимланмаган фойда фойданинг жамғарилаётганлигини ифодалайди ва мулкдорларнинг қарорига биноан устав капиталига қўшилиши мумкин. Шунингдек, 5.1.4-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

5.1.11-жадвал. Тижорат банклари фаолиятининг активлар миқдори бўйича гуруҳлаштирилган алоҳида кўрсаткичлари

Мазкур жадвалда активлар ҳажми бўйича гуруҳлаштирилган ҳолда банклар фаолиятининг алоҳида кўрсаткичлари келтирилган.

Жадвалнинг кўрсаткичлари бўйича 5.1.2, 5.1.4 ва 5.1.5-жадвалларга оид методологик шарҳларга қаранг.

5.1.12-жадвал. Тижорат банкларининг капитал миқдори бўйича гуруҳланиши

Мазкур жадвалда банкларнинг жами ҳамда устав капиталига оид маълумотларнинг уларнинг миқдори бўйича гуруҳларга ажратилган ҳолдаги динамикаси кўрсатилган.

Жадвалларнинг кўрсаткичлари бўйича 5.1.2 ва 5.1.10-жадвалларга оид методологик шарҳларга қаранг.

5.1.13-жадвал. Микромолия ташкилотлари жамланма баланси

Мазкур жадвалда микромолия ташкилотларининг бухгалтерия жамланма баланси, унинг таркиби ҳамда кўрсаткичлари динамикаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Активлар – кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари, банклардаги маблағлар, кредитлар ва микролизинг, асосий воситалар, активлар бўйича ҳисобланган фоизлар ва бошқа активлар.

Кассадаги нақд пуллар – кассадаги банкнот ва тангалар қўринишидаги нақд пул маблағлари.

Банклардаги маблағлар – банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар.

Кредитлар ва микролизинг – жисмоний шахсларга ва яқка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли (берилган санадан бошлаб 1 йил муддатгача) ва узоқ муддатли (берилган санадан бошлаб 1 йилдан ортиқ муддатга) микроқарзлар, юридик шахсларга берилган қисқа муддатли (берилган санадан бошлаб 1 йил муддатгача) ва узоқ муддатли (берилган санадан бошлаб 1 йилдан ортиқ муддатга) микрокредитлар, шунингдек микролизинг, факторинг операциялари ва бошқалар.

Асосий воситалар – бу моддий активлар бўлиб, фаолият давомидаги хизматлар кўрсатиш жараёнида, ижарага бериш учун ёки маъмурий мақсадларда улардан фойланилади. Асосий воситаларга бино, иншоотлар, ускуна ва асбоблар, компьютерлар, мебель, ҳисоблаш техникалари, транспорт воситалари ва шу кабилар қиради.

Ҳисобланган фоизлар – активлар бўйича ҳисобланган (шунингдек, моҳияти бўйича кредитлар (микроқарз, микрокредит, микролизинг) бўлган бошқа операциялар бўйича ҳисобланган), лекин ҳали олинмаган фоизлар.

Бошқа активлар – юқоридаги таснифларга мос тушмайдиган активлар.

Мажбуриятлар – жалб қилинган қарз маблағлари, олинган кредитлар ва лизинг, тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар ва солиқлар ҳамда бошқа мажбуриятлар.

Олинган кредитлар ва лизинг – банклардан, давлатнинг мақсадли жамғармаларидан, банк бўлмаган молиявий муассасалардан, нодавлат нотижорат ташкилотлардан, халқаро молиявий институтлардан, чет эллик инвесторлардан ва бошқа кредиторлардан олинган қисқа муддатли (олинган санасидан бошлаб 1 йил муддатгача) ва узоқ муддатли (олинган санасидан бошлаб 1 йилдан ортиқ муддатга) кредитлар, банклар ва бошқа лизинг берувчилар олдидаги лизинг бўйича мажбуриятлар.

Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар – таъсисчилардан ва бошқа шахслардан жалб қилинган қарз маблағлари, олинган кредитлар, лизинг ва бошқа мажбуриятлар бўйича ҳисобланган, лекин ҳали тўланмаган фоизлар.

Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар – ҳисобланган фойда солиқлари ва бошқа солиқлар, тўлаш учун ушлаб қолинган солиқлар, муддати кечиктирилган солиқлар, ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов ва жамғармалар билан бўладиган ҳисоб-китоблар.

Бошқа мажбуриятлар – юқоридаги таснифларга мос тушмайдиган мажбуриятлар.

Капитал устав капиталидан, захира капиталидан, тақсимланмаган фойдадан ва ўзлаштирилган грант маблағларидан таркиб топади.

Устав капитали таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳиссаларнинг (пулда ифодаланган ҳолдаги) йиғиндисини акс эттиради.

Захира капитали – умумий мақсадлар учун тақсимланмаган фойда ҳисобидан ажратилган маблағлар, таъсисчилардан текинга олинган мулклар қиймати, асосий воситалар ва номоддий активлар бозор қийматининг сезиларли ўсиши натижасида бошланғич қийматига нисбатан қийматининг ошган миқдори.

Тақсимланмаган фойда – ўтган молиявий йиллардаги фаолият давомида олинган тақсимланмаган фойда (зарар), ҳисобот йили давомида молиявий фаолият натижасида олинган соф фойда (зарар)лар ҳамда ушбу давр давомида эълон қилинган дивидендлар суммаси.

5.1.14-жадвал. Микромолия ташкилотлари фаолиятининг активлар миқдори бўйича гуруҳлаштирилган алоҳида кўрсаткичлари

Мазкур жадвалда активлар ҳажми бўйича гуруҳлаштирилган ҳолда микромолия ташкилотлари фаолиятининг алоҳида кўрсаткичлари келтирилган.

Жадвалнинг кўрсаткичлари бўйича 5.1.13-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

5.1.15-жадвал. Микромолия ташкилотларининг капитал миқдори бўйича гуруҳланиши

Мазкур жадвалда микромолия ташкилотларининг жами ҳамда устав капиталига оид маълумотларнинг уларнинг миқдори бўйича гуруҳларга ажратилган ҳолдаги динамикаси кўрсатилган.

Жадвалларнинг кўрсаткичлари бўйича 5.1.13-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

5.1.16-жадвал. Ломбардлар жамланма баланси

Мазкур жадвалда ломбардларнинг бухгалтерия жамланма баланси, унинг таркиби ҳамда кўрсаткичлари динамикаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Жадвалнинг кўрсаткичлари бўйича 5.1.13-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

5.1.17-жадвал. Ломбардлар фаолиятининг активлар миқдори бўйича гуруҳлаштирилган алоҳида кўрсаткичлари

Мазкур жадвалда активлар ҳажми бўйича гуруҳлаштирилган ҳолда ломбардлар фаолиятининг алоҳида кўрсаткичлари келтирилган.

Жадвалнинг кўрсаткичлари бўйича 5.1.13-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

5.1.18-жадвал. Ломбардларнинг капитал миқдори бўйича гуруҳланиши

Мазкур жадвалда ломбардларнинг жами ҳамда устав капиталига оид маълумотларнинг уларнинг миқдори бўйича гуруҳларга ажратилган ҳолдаги динамикаси кўрсатилган.

Жадвалларнинг кўрсаткичлари бўйича 5.1.13-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

5.2. Жалб қилинган маблағлар

5.2.1-5.2.7-жадваллар

Мазкур жадвалларда тижорат банклари томонидан жисмоний ҳамда юридик шахслардан миллий валютада жалб қилинган депозитлар ҳажми ва жами депозитлар қолдиғи динамикаси уларнинг турлари бўйича кўрсатилган.

Жадваллар маълумотлари Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар асосида тайёрланган.

Депозитлар – 5.1.2-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар – талаб қилиниши биланоқ бериладиган депозитлар. Банк пластик карталаридаги маблағлар (электрон пластик карталаридаги муддатли ва жамғарма депозитлар бундан мустасно) талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар ҳисобланади.

Жамғарма депозитлар – банк депозити шартномасида белгиланган тартибда дастлабки депозит суммасига қўшимча маблағлар киритиб бориш ҳуқуқи билан муайян шартлар асосида жамғариладиган ва маълум мақсадларга йўналтириладиган депозитлар. Жамғарма депозитлар мақсадли, ютуқли, шартли ва бошқа шартлар белгиланган кўринишларда бўлиши мумкин.

Муддатли депозитлар – банк депозити шартномасида белгиланган муддат тугаганидан кейин қайтариш шarti билан жалб қилинган депозитлар.

5.2.8-5.2.9-жадваллар

Ушбу жадвалларда тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахслардан миллий ва чет эл валютасида жалб қилинган депозитлар бўйича йиллик ҳисобдаги ўртача тортилган фоиз ставкалари кўрсатилган.

Депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси ҳисобот даврида ҳар бир жалб қилинган депозит суммасини унинг йиллик ҳисобдаги фоиз ставкасига кўпайтириш натижалари йиғиндисининг жами жалб қилинган депозитлар суммасига нисбати орқали аниқланади ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$P_{AV} = \frac{\sum_{t=1}^n (V_t * P_t)}{\sum_{t=1}^n (V_t)},$$

Бу ерда:

P_{AV} – ўртача тортилган фоиз ставкаси;

V_t – t-депозит шартномаси бўйича жалб қилинган депозит суммаси;

P_t – t-депозит шартномасида ўрнатилган йиллик ҳисобдаги фоиз ставкаси.

5.3. Ажратилган кредитлар

5.3.1-5.3.7-жадваллар

Мазкур жадвалларда тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларга миллий ва чет эл валютасида ажратилган кредитларнинг умумий ҳажми ва кредитларнинг қолдиқлари динамикаси уларнинг муддатлари, тармоқлар ва мақсадлар бўйича кўрсатилган.

Жадваллар маълумотлари Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар асосида тайёрланган.

5.3.8-5.3.9-жадваллар

Ушбу жадвалларда тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга миллий ва чет эл валютасида ажратилган кредитлар бўйича йиллик ҳисобдаги ўртача тортилган фоиз ставкалари кўрсатилган.

Кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси ҳисобот даврида ҳар бир ажратилган кредит суммасини унинг йиллик ҳисобдаги фоиз ставкасига кўпайтириш натижалари йиғиндисининг жами ажратилган кредитлар суммасига нисбати орқали аниқланади ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$P_{AV} = \frac{\sum_{t=1}^n (V_t * P_t)}{\sum_{t=1}^n (V_t)},$$

Бу ерда:

P_{AV} – ўртача тортилган фоиз ставкаси;

V_t – t -кредит шартномаси бўйича ажратилган кредит суммаси;

P_t – t -кредит шартномасида ўрнатилган йиллик ҳисобдаги фоиз ставкаси.

5.3.10-5.3.12-жадваллар

Мазкур жадвалларда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига ҳамда аҳолига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ажратилган кредитларнинг сони ва суммаси динамикаси қарз олувчилар, асосий йўналишлар ва тармоқлар бўйича кўрсатилган.

Жадваллар маълумотлари Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар асосида тайёрланган.

5.3.13-жадвал. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари бўйича ажратилган кредитлар

Мазкур жадвалда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари бўйича ажратилган кредитлар сони ва суммаси динамикаси йўналишлар кесимида кўрсатилган.

Жадвал маълумотлари Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар асосида тайёрланган.

5.3.14-жадвал. Тадбиркорлик ва хўжалик юритувчи субъектларига давлат кафолати остида жалб қилинган хорижий кредит линиялари ҳисобидан ажратилган кредитлар

Мазкур жадвалда тижорат банклари томонидан тадбиркорлик ва хўжалик юритувчи субъектларига давлат кафолати остида жалб қилинган хорижий кредит линиялари ҳисобидан ажратилган кредитлар жами суммаси кўрсатилган.

Жадвал маълумотлари Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар асосида тайёрланган.

5.3.15-жадвал. Аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

Мазкур жадвалда тижорат банклари томонидан аҳолига ажратилган ипотека кредитларининг сони ва суммаси динамикаси кўрсатилган.

Жадвал маълумотлари Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар асосида тайёрланган.

5.3.16-жадвал. Аҳолига миллий валютада ажратилган кредитлар

Мазкур жадвалда тижорат банклари томонидан аҳолига миллий валютада ажратилган кредитларнинг умумий ҳажми динамикаси уларнинг турлари бўйича кўрсатилган.

Жадвал маълумотлари Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар асосида тайёрланган.

VI бўлим. Тўлов тизими оид асосий кўрсаткичлар

6.1-жадвал. Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган ҳисоб-китоблар

Ушбу жадвалда Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакцияларга доир маълумотлар акс эттирилган бўлиб, унда тўлов ҳужжатлари турлари бўйича транзакциялар сони ва суммасининг динамикаси кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банкининг бошқа тижорат банклари ва Марказий банк билан бўладиган ҳисоб-китоблари уларнинг Марказий банк Тўлов марказида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, тижорат банклари миллий валютада фақатгина Марказий банкда вакиллик ҳисобварағи очишлари мумкин.

Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими мазкур вакиллик ҳисобварақларига хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

6.2-жадвал. Марказий банкнинг ҳисоб-китоб клиринг тизими орқали амалга оширилган транзакциялар

Мазкур жадвалда Марказий банкнинг ҳисоб-китоб клиринг тизими орқали амалга оширилган транзакциялар сони ва суммасининг динамикаси кўрсатилган.

Марказий банкнинг ҳисоб-китоб клиринг тизими жисмоний шахсларнинг тизимга уланган ташкилот ва идоралар фойдасига ўтказиладиган тўловларини реал вақт режимида неттинг тамойили асосида амалга оширишга хизмат қилувчи чакана тўлов тизимидир.

6.3-жадвал. Марказий банкнинг Тезкор тўловлар тизими орқали амалга оширилган транзакциялар

Мазкур жадвалда Марказий банкнинг Тезкор тўловлар тизими орқали амалга оширилган транзакциялар сони ва суммасининг динамикаси кўрсатилган.

Тезкор тўловлар тизими орқали банклараро ҳисоб-китоблар узлуксиз (дам олиш кунларисиз) туну-кун 24/7 режимида онлайн тарзда амалга оширилади.

6.4-жадвал. Муомалага чиқарилган банк пластик карталари, ўрнатилган тўлов терминаллари, банкоматлар ва инфокиосклар сони ҳамда тўлов терминаллари орқали амалга оширилган тўловлар суммаси

Мазкур жадвалда миллий ва чет эл валютасида эмиссия қилинган банк пластик карталари, уларга хизмат кўрсатувчи ўрнатилган тўлов терминаллари, банкомат ва инфокиосклар сони, шунингдек тўлов терминаллари орқали амалга оширилган тўловлар суммаси динамикаси кўрсатилган.

6.5-жадвал. Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони

Мазкур жадвалда масофавий банк хизматларидан (интернет-банкнинг ва мобил-банкнинг хизмат турлари ёрдамида банк ҳисобварақларидаги пул маблағларини бошқариш, USSD-сўров ёрдамида банк пластик карталаридаги маблағларни бошқариш, смс-хабарнома ёрдамида ҳисобварақдаги пул маблағлари ҳаракати ҳақида маълумот олиш) фойдаланувчилар сони тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган.

6.6-жадвал. Тўлов тизимлари операторларининг реестри

Мазкур жадвалда Марказий банк томонидан берилган лицензияга эга бўлган тўлов тизимлари операторлари реестри келтирилган.

Тўлов тизими оператори – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлов тизимининг ишлашини таъминлаш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс.

6.7-жадвал. Тўлов ташкилотларининг реестри

Мазкур жадвалда Марказий банк томонидан берилган лицензияга эга бўлган тўлов ташкилотлари реестри келтирилган.

Тўлов ташкилоти – банк ҳисобланмайдиган, тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган юридик шахс.

6.8-жадвал. Электрон пуллар тизимлари реестри

Мазкур жадвалда Марказий банк томонидан берилган лицензияга эга бўлган электрон пуллар тизимлари операторлари ва эмитентлари реестри келтирилган.

Электрон пуллар – электрон пуллар эмитентининг электрон шаклда сақланадиган ҳамда электрон пуллар тизимида тўлов воситаси сифатида қабул қилинадиган шартсиз ва чақириб олинмайдиган пул мажбуриятлари.

Электрон пуллар тизимининг оператори - тегишли лицензияга эга бўлган ва электрон пуллар тизимининг ишлашини таъминлайдиган банк ёки бошқа юридик шахс.

Марказий банк ва банклар **электрон пулларнинг эмитентидир.**